

Тошкент шаҳри, 27-28 сентябр 2019 йил

Мактаб психологлари ва ҳамширалари билиши зарур бўлган тиббий-психологик билим ва кўниқмалар

Маъруза

Проф. ИБОДУЛЛАЕВ
Зарифбой Ражабович
Тошкент тиббиёт академияси, тиббий психолог

Ёритиладиган асосий муаммолар

1

- Ўқувчи-ёшларга нима ҳавф солмоқда?

2

- Тиббий психология асосларини билиш нақадар зарур?

3

- Мактаб ёшида қандай руҳий оғишлар кўп учрамоқда?

4

- Мактаб психологи ва ҳамшираси қандай илм ва кўниумага эга бўлишлари керак?

Муаммо ўта долзарб

- Бугунги глобаллашув даврида ўқувчи-ёшларимиз ижтимоий, айниқса дистанцион кўринишдаги ижтимоий таҳдидлар остида қолмоқда. Бундай таҳдидлар уларнинг рұхий камол топишига жиғдий салбий таъсир кўрсатаётгани сир эмас. Педагог ва психологлар ўқувчи-ёшларни атрофда бўлаётган салбий таъсиротлардан асраши мумкин, бироқ уларни дистанцион кўринишдаги ижтиомий таҳдидлардан асраши анча мушкүл бўлмоқда.

Кимга қийин?




Бүгунги кунда энг катта масъулият мактаб психологлари зиммасига түшмоқда. Улар нафақат педагогик психология, балки социал ва тиббий психология асослари бўйича етарли даражада илм ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим. Чунки вазият шуни тақозо этмоқда.

Яқин тарихга бир назар

“Тарбия биз учун
ё ҳаёт, ё мамот, ё
нажот, ё ҳалокат,
ё саодат, ё
фалокат
масаласидир”




Абдулла Авлоний



Абдулла Авлоний
(1878-1934)

Тиббий психология асосларини билиш керак

- Мен тиббий психология асосларини билиш мактаб психологлари учун нақадар зарурлиги ва бунда айнан нималарга эътибор қаратиш зарурлиги ҳақида сўз юритмоқчи эдим. Нима учун тиббий психологияни билиш зарур. Маълумки, тиббий психология умумий психологиядан фарқли ўлароқ, bemor киши психологиясини ўрганади.



Мактаб ёшидаги психологик оғишлар ва руҳий бузилишлар

- 1 • Гипердинамик синдром
- 2 • Болалар неврози
- 3 • Ўсмирлар депрессияси
- 4 • Агрессия ва психоз
- 5 • Ўсмирлар суициди

ГИПЕРДИНАМИК СИНДРОМ ШУ ҚАДАР КҮПМИ?

- Тиббий психолог-магистрлар билан 1000 дан ошик мактаб-үқувчиларда ўтказган скрининг текширувларда деярли уларнинг 70 % га “Гипердинамик синдром” ташхисини қўйдик. Бу жуда катта рақам! Асосан диққат ва ҳулқ-атвор бузилишлари билан намоён бўладиган ушбу касалликка тиббий психолог аралашмаса бўлмайди. Мана нима учун педагог ва мактаб психологи уринишлари кўзланган самарани бермаяпти?


ГИПЕРДИНАМИК СИНДРОМ



- Гипердинамик синдром – бу касаллик. Ҳалқаро тиббий таснифларда алоҳида рукнда күрсатилган. Мактаб ёшидагиларда учрайдиган бу касалликни бутун дунёда тиббий (клиник) психологлар даволашади. Мен “Асаб ва руҳият” номли китобимда бу синдромни “Бебош бола синдроми” деб номлаганман.

БОЛАЛАР НЕВРОЗИ КҮПАЙГАН

- Аслида кattаларда учрайдиган ушбу касаллик, болалар ва ўсмирлар орасида тобора авж олмоқда. Бизда неврозни ҳамон невропатологла даволаётган бўлса, ривожланган ҳориж давлатларида бу муаммо билан, асосан, тиббий (клиник) психологлар шуғулланишиади.



БОЛАГА МЕХР БЕРИНГ!




Изоҳга ҳожат йўқ!

Кейинги муаммо – бу ўсмирлар депрессияси!

Ёшлар депрессияси – жуда катта психосоциал муаммо! Депрессия оғир касаллик. Албатта бу касаллик ўсмирл ўзини шахс деб ҳисоблаб бошлаганидан бошлаб ривожланиб боради. Унинг келиб чиқишига мактаб ва оиласидаги носоғлом мұхит, яъни болага эътиборсиз ота-оналар сони ошиб бораётгани, ўқитувчининг ўз ўқувчисига нисбатан адолатсизлиги ва камситилиши, рағбатнинг йўқлиги, ўқувчиларнинг бой ва камбағалга табақаланиб бораётгани, катталар орасидаги ёлғоннинг авж олаётгани ва ҳк.



Үсмирлар агрессияси



Агрессия – ўта оғир патологик ҳолат. Сабаби – юқорида күрсатыб үтилган омиллар! Үсмирлик агрессияси ва психоз – бугунги кунда ўқувчи-ёшлар орасыда авж олиб бораётган пичоқбозлик ва турли қотилликтар күпайишига ундағи тажовузкорлық сабаб бўлмоқда. Мобил телефон түфайли үкасини ўлдирди, ноутбук олиб қўйгани онани үсмир юқори қаватдан ирғитиб юборди.

Үсмирда психоз ўта ҳавфли!



Психоз белгилари:

- Аффектга тез-тез тушади;
- Доимо агрессив ҳолатда юради;
- Қасд қилишга, ўч олишга мойил бўлади;
- Бирорга дарров тан жароҳати етказади ёки ўлдириб қўяди;
- Жуда эгоист бўлади, ўзини яхши кўради;
- Ака-укаси ва ота-онасига бешавқат бўлади.

Ўсмирлар орасида суицид

- 14-17 ёшда суицид сабабчиси – бу депрессия. Суицид мұаммоси – бир қанча психолог мутахассислар биргаликда ечадиган мұаммо. Битта касб әгаси уни бартараф эта олмайды. Суицид мұаммосини ечишда ҳар кимнинг үз вазифаси бор: педагог – яхши таълим-тарбияга урғу беради, психолог – характердаги психологик оғишларни бартараф этади, тиббий психолог депрессияни коррекция қилади, психиатр – агрессия ва психозни даволайды. Демак, ушбу мұаммо – барчамизга тегишли!

Суицидни олдини оладиган 4 мўжиза!




Ҳар бир ота-она, устоз
ва мураббий ҳамда
психологларнинг асосий
вазифалари манашулар.
Ушбу 4 қоидага илк
болалик давридан
бошлиб амал
қилишимиз керак!

Суициднинг 4 душмани



Суицид профилактикаси пирамидаси



Нима қилмоқ керак? Муаммолар ечими нимада?



Мактаб психологи ва тиббий ҳамширалар қўйидагиларни билиши керак:

- Гипердинамик синдром, болалар неврози, ўсмирлик агрессияси, депрессия ва психозларга олиб келувчи этиологик омиллардан ва ушбу касалликларнинг клиник белгиларидан воқиф бўлиш;
- Ушбу касалликларда қўлланиладиган психологик тестлардан воқиф бўлиши, уларни интерпретация қила олиши, тестлар ва бошқа тиббий текширувлар натижасига таяниб психологик соғлом ва носоғлом гуруҳларга ажратиш;
- Ўқувчиларнинг тиббий-психологик саломатлиги акс этган электрон база яратиш ва унинг мониторингини олиб бориш. Ушбу маълумотларнинг конфеденциаллигини таъминлаш.

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ОРАСИДА ҲАВФЛИ ГУРУХЛАРНИ АЖРАТИШ КЕРАК

- Ҳавф-хатар гуруҳи бўйича мактаб ўқувчиларини А (ҳавфсиз), В (ҳавфли), С (ўта ҳавфли) гуруҳларга ажратиш ва ҳар бир гуруҳ билан индивидуал ишлаш механизмини ишлаб чиқиш. Агрессия, психоз ва депрессия ҳамда суицидга мойил ўқувчилар аниқланганлар алоҳида рўйхатга олиниши ва улар билан ишлашни алоҳида молиялаштириш масаласини қўтариш;
- Ўқувчи ёшларнинг нафақат психологик, балки тиббий саломатлигини ҳам биргаликда сақлаш, профилактика ишларини кенг йўлга қўйиш, бу борада мусиқа ва спорт залларидан унумли фойдаланишни кенг йўлга қўйиш зарур.
- Қизларнинг тиббий-психологик саломатлиги бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш, балоғат ёшига етган қизларнинг жинсий ва руҳий саломатлигига оид самарали психопрофилактик ва психогигиеник дастурлар яратиш ва бу борада грант лойиҳаларини ишлаб чиқиш лозим.

Юқори ташкилотлар нимага эътибор қаратиши керак?

Бу борада олиб борилаётган барча ишлар давлат томонидан етарли даражада маблағ билан таъминланиши керак, мактаб психологлари ва ҳамширлари маошларини кескин ошириш, уларни иш самарасига қараб рағбатлантириб туриш, мактаб психологи статусини кўтариш, уларни зарур адабиётлар ва методик кўрсатмалар билан таъминлаб туриш ҳам ўта долзарб муаммодир.

A scenic landscape featuring a dirt path winding through lush green fields under a clear blue sky with scattered white clouds.

**ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАҲМАТ!**